

Умнатнинг мусибати



17:01 / 17.05.2024 2078

Умнатнинг ҳаётидаги энг катта мусибат дин бекорчилик, ўйин каби ҳисоблаб қолиниши ва ўйин-кулгу эса дин бўлиб қолишидир. Ундай эмасми? Ҳаётимизни Қуръонга амал қилиш билан зийнатлаш ўрнига уйларимизнинг деворларини Қуръон оятлари билан безатиб, зийнатлаб олган бўлсак, тирикларимиз ичида у ила ҳукм этмасдан, ўликларимиз устида тиловат қиладиган бўлсак...

Шунингдек, Қуръоннинг баракасини уни кўтариб юришда ёки тиловат қилишда деб билиб қолганмиз. Аслида ҳақиқий барака унга эргашишда ва унинг ҳукмлари ила яшашдадир.

«Биз нозил қилган бу Китоб муборакдир. Бас, унга эргашинглар. Ва тақво қилинглар. Шоядки, раҳм қилинсангизлар» (Анъом сураси, 155-оят).

Доктор Юсуф Қарзовий раҳимаҳуллоҳ